XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 25 - mart VI-52-34-2-0-K/22 Buxoro viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегара муаммоларини ҳал этиш, ноқонуний миграцияга, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашиш масалалари бўйича вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий комиссиянинг қарорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара зонаси ва чегара минтақасини белгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 735-сон қарорига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегара муаммоларини ҳал этиш, ноқонуний миграцияга, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашиш масалалари бўйича вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий комиссиянинг 2021 йил 11 февралдаги 1/46-сон йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегара муаммоларини ҳал этиш, ноқонуний миграцияга, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашиш масалалари бўйича вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий комиссиянинг:

Ромитан тумани ҳудудида Давлат чегараси бўйлаб ҳудуд ичкарисига 4 500 метргача бўлган масофада, “Қизилравот” ва “Гугуртли” қишлоқлари ҳудудида аҳоли пункти орқали рокад йўли бўйлаб ўтказиш;

Қўракўл тумани ҳудудида Давлат чегараси бўйлаб ҳудуд ичкарисига 2 км.гача масофада, Олот тумани ҳудудида Давлат чегараси бўйлаб ҳудуд чегарасида 2 км. гача масофада “Олот-автойўл” чегара ўтказиш пункти ва Аму-Бухоро Магистрал канали сув ўтказиш иншооти йўналишида 1 км. масофада ва “Жийдакўл” кўли қирғоғидан белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ Олот тумани “Жийдакўл” кўли ва “Саманкак” шўрхок ботқоқлиги орқали чегара бўйлаб муҳандислик иншоотларини қуриш, транспорт воситаларининг ҳаракатланиши имкони йўқлигини ҳисобга олиб, “Жийдакўл” кўли ва “Саманкак” шўрхок

ботқоқлигини чегара минтақаси ҳудудига киритиш;

чегара зонасини вилоят ҳудудида Давлат чегара режимини таъминлаш мақсадида ҳамда вазият ўзгарганда чегара ҳудудида чегара қўшинлари жанговар хизмат ҳаракатларини амалга ошириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Давлат чегарасидан 4 км. дан 15 км. гача бўлган масофада белгилаш тўғрисидаги қарори тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳамдамовга Ромитан (У.Барноев), Қоракўл (Х.Тохиров) ва Олот (Д.Неъматова) туманлари ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилнинг апрель ойига қадар Ромитан тумани ҳудудида 38 дона огоҳлантирувчи ва 13 дона ахборот, Қоракўл тумани ҳудудида 56 дона огоҳлантирувчи ва 32 дона ахборот ҳамда Олот тумани ҳудудида 67 дона огоҳлантирувчи ва 31 дона ахборот белгиларини ўрнатиш чораларини кўриш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (О.Ҳамидов) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Б.Зарипов**